

01-30/1-763  
01.07.2021 й.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси

Бош вазири

УМУМИЙ А. Арипов

БЎЛИМ

№ 2

Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги  
Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармаси  
Васийлик кенгаши йиғилишининг  
115-сон БАЁНИ

2021 йил 28 июнь

Тошкент шаҳри

- Раислик қилувчи: - А.Н. Арипов – Ўзбекистон Республикаси  
Бош вазири, *Васийлик кенгаши раиси*
- Иштирок  
этганлар: - Б.А. Мусаев – Ўзбекистон Республикаси  
Бош вазирининг ўринбосари, *Васийлик  
кенгаши раисининг ўринбосари*
- Д.М. Кенжаев – Ўзбекистон Республикаси  
Президенти маслаҳатчиси ўринбосари,  
*Васийлик кенгаши аъзоси*
- Васийлик кенгаши аъзолари, тегишли  
вазирлик ва идоралар раҳбарлари  
(*рўйхат бўйича*)

**КУН ТАРТИБИ:**

Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги  
Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармаси  
фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда Жамғарма даромад ва  
харажатлари бўйича прогноз кўрсаткичларини тасдиқлаш  
тўғрисида

*(Арипов, Мусаев, Кенжаев, Холжиматова, Авруев, Саидов, Арипов)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги  
“Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармасини ташкил  
этиш тўғрисида”ги 5039-сон қарорига асосан “Ижод” жамоат фонди негизида  
Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузурида юридик шахс  
мақомисиз Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармаси  
ташкил қилиниб, Васийлик кенгаши таркиби тасдиқланган.



Қарорга асосан Жамғарма ўз фаолиятини қўйидаги йўналишларда олиб боради:

- Мамлакатимизда маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш, кўп миллатли халқимиз ўртасида ҳамжихатлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, миллий кадрият, анъана ва урф-одатларни кенг тарғиб қилиш, бадиий ижод ва китобхонлик маданиятини фаол қўллаб-қувватлаш;

- “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси” асосида мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълим босқичлари учун методик қўлланма, услубий тавсиялар, маънавий-ахлоқий тарбия назарияси ва методикасини бойитишга қаратилган илмий-амалий адабиётлар яратиш, уларни нашр этиш ва жойларга етказиш;

- миллий меросимиз, буюк аждодларимизнинг жаҳон тамаддунига қўшган улкан хиссаларини дунё миқёсида кенг тарғиб қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

- соҳага “Рақамли тарғибот” тизимини жорий қилиш мақсадида IT-парклар, инновацион марказлар ва фрилансерлар билан ҳамкорликда мобиль иловалар, компьютер ўйинлари, анимацион маҳсулотлар яратиш;

- жойларда маънавий-маърифий мухитни ўрганиш, ҳудудий маънавият ва маърифат кенгашлари фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш, тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида ташкил этилган экспертлар гуруҳларини қўллаб-қувватлаш;

- маънавий-маърифий соҳани, адабиёт ва китобхонликни ҳар томонлама ривожлантириш, бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш;

- мамлакатимиз ва халқаро миқёсда илмий-маърифий тадбирлар, адабий анжуманлар, фестиваллар, танловлар, халқ сайллари, адабий-муסיқий кечалар ўтказиш;

- маънавий-маърифий, адабий-бадиий китоб ва плакатлар нашр этиш, замонавий тарғибот воситалари ва медиа маҳсулотлар яратиш.

Васийлик кенгашига Жамғарма даромад ва харажатлари бўйича истиқболдаги кўрсаткичларини ҳар йили тасдиқлаш, Жамғарма зиммасига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун манфаатдор вазирлик ва идораларни жалб этиш, Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланиш бўйича тизимли назорат қилинишини таъминлаш каби вазифалар белгилаб берилган.

Жамғармага 2021 йилда 60 миллиард сўм, жумладан, Республика Маънавият ва маърифат марказига мамлакат миқёсида маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этиш учун 10 миллиард сўм, унинг ҳудудий бўлимларига жойларда маънавий-маърифий соҳаларни ривожлантириш учун 30 миллиард сўм, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 20 миллиард сўм маблағ ажратилиши белгилаб қўйилган.



Бугунги кунга қадар Жамғарма ҳисоб рақамига Молия вазирлиги томонидан 40 миллиард сўм маблағ ўтказилган. Ушбу маблағдан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига 20 (йигирма) миллиард сўм, “Маънавият” нашриётига 1 (бир) миллиард сўм пул маблағи ўтказиб берилган.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, мажлис **қарор қилади:**

1. Республика Маънавият ва маърифат марказининг Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармаси маблағларидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига 20 (йигирма) миллиард сўм, “Маънавият” нашриётига 1 (бир) миллиард сўм пул маблағи ўтказиб берилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. **Молия вазирлиги (Ишметов)га** Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан тақдим этилган ҳақиқий харажатлар ва тасдиқловчи ҳужжатларга асосан Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармасига жорий йил якунига қадар босқичма босқич 20 миллиард сўм маблағни ўтказиб берилишини таъминласин.

3. Қуйидагилар:

Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармасининг Низоми 1-иловага мувофиқ;

Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармасининг 2021 йилги харажатлар сметаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармаси Васийлик кенгаши раиси ўринбосари (Мусаев)га ижтимоий талаб ва заруратдан келиб чиқиб, жамғармага белгиланган вазифалар йўналиши доирасида харажатлар таксимоти ва сметасига ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Марказнинг маънавий-маърифий, илмий-ижтимоий мавзулардаги долзарб мақолалар, жамоатчилик вакилларининг илғор фикрлари, шунингдек, мафкуравий жараёнлар таҳлили, соҳага оид янгиликларни тўплаш, тайёрлаш ва тарқатиш мақсадида “[oyina.uz](http://oyina.uz)” электрон порталини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга ошириш бўйича таклифи мақбуллансин.

6. **Республика Маънавият ва маърифат маркази (Ҳожиматов) Туризм ва спорт вазирлиги (Каримов)** билан биргаликда аждодларимиз яратган кашфиётлар, жасур саркардаларимиз ва ҳарбий санъатимиз, дунёга машҳур меъморий обидаларимиз, зиёратгоҳлар, нодир қўлёзмаларимиз, миллий қадрият ва урф-одатларимизни жаҳон жамоатчилигига намоён этишга қаратилган “Маънавий туризм” тарғиботи бўйича ҳалқаро лойиҳаларни ишлаб чиқиб амалга оширсин.

7. Республика Маънавият ва маърифат маркази (Ҳожиматов)га миллий гоя тарғиботи, маънавий-маърифий йўналишдаги муҳим ҳужжатлар, сценарий лойиҳалари, илмий-публицистик мақолалар, таҳлиллар ва бошқа зарур лойиҳаларни амалга ошириш учун ижтимоий-маънавий буюртма асосида Тошкент шаҳри ва ҳудудлардаги таниқли олимлар, профессор-ўқитувчилар, адабиёт ва санъат вакиллари шартнома асосида ишга жалб қилиш, сафар ва овқатлантириш харажатларини жамғарма ҳисобидан қоплашга рухсат берилсин.

8. Бош вазир ўринбосари (Мусаев), Республика Маънавият ва маърифат маркази (Ҳожиматов) Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳудудий бўлимларига асослантирилган сарф-харажатлар сметаси асосида зарур маблағларни ажратсин. Смета харажатларини шакллантиришда ҳудудий бўлим ва бўлинмаларнинг моддий-техник базасини ривожлантириш, нашр ишларини амалга ошириш ҳисобга олинсин.

9. Бош вазир ўринбосари (Мусаев), Республика Маънавият ва маърифат маркази (Ҳожиматов), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси (Саидов) Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармасига ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш бўйича тизимли назорат олиб борилишини таъминласин.

10. Молия вазирлиги (Ишметов)га, Республика Маънавият ва маърифат маркази (Ҳожиматов)га Марказ ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти, “Маънавий ҳаёт”, “Тафаккур”, “Жаҳон адабиёти” ва “Шарқ юлдузи” журналларини ҳамда илмий-амалий қўлланмалар ва бошқа тарғибот материалларни истисно тариқасида “Маънавият” нашриётида чоп этилишига рухсат берилсин.

11. Мазкур мажлис баёни ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Мусаев зиммасига юклансин.